

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ИМОМОВ ШАВКАТ ЖАХОНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН БИОГАЗ ВА ЎҒИТ
ОЛИШ ЖАРАЁННИНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

05.05.06 - Қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар

**05.07.01 - Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги
ва мелиорация ишларини механизация**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент шаҳри – 2017 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Имомов Шавкат Жахонович

Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва ўғит олиш
жараёнининг технологик асослари 3

Имомов Шавкат Жахонович

Технологические основы процесса получения биогаза
и удобрения из сельскохозяйственных отходов..... 27

Imomov Shavkat Jachonovich

Technological fundamentals of the biogas production process
and fertilizers from agricultural waste..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ИМОМОВ ШАВКАТ ЖАХОНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН БИОГАЗ ВА ЎҒИТ
ОЛИШ ЖАРАЁННИНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**05.05.06 - Қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар
05.07.01 - Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги
ва мелиорация ишларини механизация**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Атгестация комиссиясида B2017.1.DSc/T71 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://fti-kengash.uz/>) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Салимов Оқил Умурзакович
техника фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Искандаров Зафар Самандарович
техника фанлари доктори, профессор

Узаков Гуломжон Норбоевич
техника фанлари доктори, доцент

Худаяров Бердирасул Мирзаевич
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўлиқўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли қўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Л. Лутпуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг ривожланишида чиқиндилардан биогаз ва ўғит олишга катта аҳамият берилмоқда. Амалиётда органик чиқиндиларни анаэроб қайта ишлаш, улардан муқобил энергия олиш, иссиқхона газларини исрофгарчилигини камайтириш истиқболли йўналишлардан бири қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва ўғит олиш жараёнининг самарадорлигини ошириш¹, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан қайта тикланувчи энергия олиш энергетик қурилмаларида анаэроб жараёни поғонали амалга ошириш усули ва қурилмаларини ишлаб чиқиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар конструкцияларини оптималлаштириш, хусусан, қайта ишлов бериш жараёнини автоматик бошқариш усуллари ишлаб чиқаришга, тикланувчи энергия ва ўғит олиш қурилмаларининг янги авлодини барпо қилиш, энергетик қурилмалардаги биокимёвий жараён уларда ҳосил бўладиган газ моддаларини жадал сўриб, атмосфера босимидан паст-сийракланиш режимида, биомассани аралаштириш эса илгарилама-қайтма ҳаракатда амалга ошириш мамлакатимиз олимлари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада анаэроб жараёндан олинадиган маҳсулотлар сифати ва миқдорини ошириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича сезиларли натижаларга эришилган.

Ҳозирги кунда жаҳонда ҳар қандай органик чиқиндидан биогаз олиниши ва бу жараёнларни самарадорлигини ошириш, хусусан, фақат маълум даражада ҳарорат, аралаштириш, рН ва анаэроб муҳит билан бирга биогаз қурилмасида қўлланилаётган мавжуд иссиқликни алмаштирувчи қурилмаларни габарит ўлчамларини оптималлаштириш, гўнгни ишлов бериш жараёнларини мукамаллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан, анаэроб жараённинг технологик ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи гўнгни физик-механик тавсифларини ўрганиш; гўнгга поғонали ишлов бериш усулини ишлаб чиқиш ва моддалар тенгламаси орқали баҳолашда ёт моддалар оптимал қийматини асослаш; гўнгни биореакторда тутиб туриш вақти мутаносиблигини инобатга олувчи режимни таъминловчи технологияни ишлаб чиқиш; ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариш қурилмаси иссиқлик алмашинуви жараёни назарий принципларини ишлаб чиқиш; гўнгга поғонали ишлов бериш ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариб олиш принцигига асосланган биогаз қурилмасининг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи параметрлари ҳамда иш режимини асослаш; қорамол гўнгида ишловчи биореактор технологик жараёнларини назоратлашни ЭҲМ да бошқариш дастурини ишлаб чиқиш; гўнгга поғонали

¹ Технологии производства биогаза и его перспективы.

<https://www.scienceforum.ru/2017/2203/28016>

ишлов бериш ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариб оладиган биогаз қурилмасини ишлаб чиқариш синовларини ўтказиб, энергетик ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ижро этиш юзасидан, республиканинг чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида биогаз қурилмалари қуришни рағбатлантириш» мақсадида 2015 йил 25 ноябрдаги 343-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 май 2017 йилдаги № ПП-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида соҳада қайта тикланувчи энергия олишни ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларига қайта ишлов беришни кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» ва IV. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, илғор технологиялар, фотоника ва нанотехнологиялар асосида технологиялар ва қурилмалар яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий - тадқиқотлар шарҳи¹

Биореакторлардаги анаэроб жараённинг мақбул кўрсаткичлари ва энергия сарфини камайтириш технологияси бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида, шунингдек, Миссипи штатининг (АҚШ) Федерал университетида, Оффенбург (Германия) Университетининг амалий лабораторияларида, RIKEN (Япония) институтида, Корея республикаси политехника университети Илмий - Техник Марказида, AEBIG (Испания) ассоциациясида, Märkische (Германия) институтида, Leibniz (Германия) институти биотехнология бўлимида, Bologna (Италия) университетида, Технология ва табиий ҳаёт институтида (Польша) ва Кореянинг Mire Environment & Energy компанияларида олиб борилмоқда.

Бир қатор мамлакатларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида биореакторларда органик чиқиндиларни қайта ишлаб тикланувчи энергия ва ўғит олиш учун ишлаш даврида гўнгдан сифатли ўғит таркибини ҳосил қилиш ва унинг охириги бўлиниш маҳсулоти - метан гази ҳосил бўлиши ва

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.americanbiogascouncil.org. Operational Biogas Systems in the U.S. Biogas: China's Solution for Energy, Health and Environment, www.worldbank.org. Biogas: l'Italia È Terzo Produttore Al Mondo Dopo Germania E Cina - La. Germany: Biogas industry to experience growth slowdown in 2014 but ...

иссиқлик таъминотини иқтисодий самарадорлигини оширишга оид қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: метан газини ҳосил қилувчи бактериялар морфологиясида органик чиқиндиларни биогазга айланиш босқичлари ва биореакторлардан ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликдан фойдаланиш технологияси ва техник воситалари ишлаб чиқилган (Trisoplast Mineral Liners (Голладия), Edora- Fèdèration de Energies Renouvelables (Бельгия), ETW Energietechnik Gmbh (Германия), “Каплан Индастрис” (АҚШ)); анаэроб парчаланиш жараённинг асосий занжиридаги водород порциал босимини паст холатда ушлаб туриш ҳисобидан кечаётган жараёнлар ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликдан шнекли қурилма орқали мажбурий, фекал насосда ҳайдаб фойдаланиш технологияси ва техник воситаларини, ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни иссиқлик насослари билан қайта бериш усуллари ишлаб чиқилган (Institutet för jordbruks - och miljöteknik, (Швеция) Deutsches Biomasse Forschungs ZentrumGmbH, (Германия); широкомасштабные научные исследования в области получения биогаза в анаэробных условиях и выработке из биогаза метана ведутся сельскохозяйственными институтами и университетами (Москва давлат университети, Қишлоқ хўжалик машинасозлиги илмий-тадқиқот институти (Россия), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтларида (Ўзбекистон)

Ҳозирги вақтда қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалардаги микробиологик жараёнларни жадаллаштириш ва ўғит таркиби сифатини ошириш учун уларга алоҳида етиштирилган метан бактерияларни қўшиш ва иситиш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда: микроорганизмларларнинг морфологияси, физиологияси, биокимё ва геокимёси ҳаракатларини ўрганиш, метан газини ҳосил қилувчи бактериялар турли мухитлардаги чидамлилиги, биомассани биореакторда тутиб туриш вақтини мутаносиблигини, турли миқдори ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайта бериш, биореакторларни иккиламчи энергия билан таъминлашда қуёш, геотермал, молхоналарнинг иссиқлигидан, биореак-торлардан чиқаётган биогаздан электр энергияси олишда ишлатилаётган газогенераторлар иссиқлигидан ва шамол энергиясидан фойдаланилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон амалиётида қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмаларни ишлатиш жараёнида микроорганизмларнинг морфологияси, физиологияси, биокимё ва геокимёсини, ўғит сифатини ошириш ва энергия сарфини камайтириш технологиясига мос келадиган жараёнларини J.C.Converse, R.E.Graves, G.W.Evans (АҚШ), Zhang Quanguo, Yin Xiaobo, Vincent Choy, Lee Giok Seng, (Хитой), Park Hak-Su, Mi-Sun Kim, Hwang Sang Gu (Корея), C.O’Neill, A. Lopes (Буюк британия), A.Wellinger, R. Kaufman, J.H.Porter, Edgar O. Klose (Германия), В.С. Дубровский, У.Э. Виестур, М.Е. Бекер, А.А. Упит (Латвия),

В.Л. Омелянский, С.С. Беляев, С.В. Калюжный, А.Г. Пузанков, С.Д. Варфоломеев, П.В. Богданов (Россия), В.А. Бударин, С.К. Кыдыралиев (Қирғизистон), О.У.Салимов, Б.Ф.Рахматов, У.Д.Эшонкулов, Н.Т.Халилов, А.Р. Ражабов, Ш.Ж.Имомов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар анаэроб жараён таъсирида ҳосил бўладиган ўғит сифатини, бижғитиш жараёнидаги иссиқлик режимлари, органик чиқиндиларга анаэроб қайта ишлов беришнинг жадаллаштирувчи метан газини ҳосил қилувчи бактериялар фаолияти, биореакторларни ўрнатиладиган иқлим шароитига мослаш, биореакторда биомассани аралаштириш услублари ва технологиялари, сарф-харажатларни қисқариши ҳисобига олинадиган биогаз таннархини камайишини аниқлаганлар.

Анаэроб жараёнда термофил иссиқлик режимида олинадиган чиқинди – ўғитни ўғит сифатида фойдаланиш бўйича тадқиқотлар Т.У. Siebenmorgen, А.Г. Hashimoto (АҚШ), С.С. Беляев, С.В. Калюжный, А.Г. Пузанков, И.Ф. Бородин, С.Д. Варфоломеев, Т.Н. Жилина, Г.А. Заварзин, (Россия) А.У. Салимов, А.Р. Ражабов, Б.Ф. Рахматов, У.Д. Эшонкулов, ва Н.Т. Халилов, Ш.Ж. Имомов томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Биологик газ олиш қурилмаларидан ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни биореакторларга қайта ишлатиш В.Г. Некрасов, А.Г. Пузанков, А.А. Ковалев, В. Баадер, Е. Дооне ва М. Бреннендорфер, А.У. Салимов, Ш.Ж. Имомов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Шунингдек биореакторларга солинадиган гўнг таркибини назоратлаш, ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни биореакторларга қайта фойдаланишга мўлжалланган ресурстежамкор технология ва уни амалга оширадиган иссиқлик алмашинувчи қурилмаларини ишлаб чиқишга, жорий қилиш бўйича Жанубий Корея давлатининг Korea Total Chemical CO., LTD компанияси, Бухоро вилояти нефтни қайта ишлаш заводи ва Бухоро вилояти «Ўзжамоалойиха» институти мутахассислари ҳамда Я. Веверис, Б. Дерило, А. Пузанков, А. Ковалев, О. Салимов ва Ш. Имомовлар томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар олиб борилган кўп миқдордаги тадқиқотларга қарамасдан, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва ўғит олиш жараёнининг қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмаларида гўнгни анаэроб жараёнга жорий этишда физик-механик хоссалари, таркибидаги анаэроб жараён учун ёт моддаларни бўлиши ва уларни жараёнга таъсирини камайтириш мақсадида поғонали ишлов беришнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш, моддалар тенгламаси орқали баҳолашда ёт моддалар оптимал қийматини асослаш; гўнгни биореакторда тутиб туриш вақти мутаносиблигини инобатга олувчи режимни таъминловчи технологияни ишлаб чиқиш; ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариш қурилмаси иссиқлик алмашинуви жараёни назарий принципларини ишлаб чиқиш ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмани яшаш ҳамда мақбул параметрларини асослаш; қурилманинг sanoat нухасини тайёрлаш ва хўжалик синовларидан ўтказиб амалиётга жорий қилиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг П-18.45 «Разработка высокоэффективных технологий и технических средств для производства и применения альтернативных моторных топлив в сельскохозяйственных энергетических средствах» (2003-2005); Фан ва технологиялар Агентлиги Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги «Ўзбекистон-Корея 2010» биргаликдаги конкурсининг МК-09-2010 «Органик чиқиндиларга ва шаҳар оқова сувларига ишлов бериш технологияси ва жиҳозларини ишлаб чиқиш» (2010-2012.); КХА-6 - 013 «Чорва ҳайвонлари чиқиндилари ва концентрацияланган саноат оқова сувлари ҳамда сув ўтларидан юқори самарали, энергия ишлаб чиқарувчи биогаз қурилмаси тажриба намунасининг параметрларини асослаш» (2009 - 2011); А-3-065-2015 «Республикамиз фермер хўжаликларида пахта-буғдой, буғдой (арпа) - чорва озуқа экинлари, буғдой-сабзавот(картошка) ва полиз экинлари алмашлаб экиш тизимларида ҳамда интенсив боғ ва тоқзорлар, қаторлар орасига янги сув-ресурстежамкор технологияларни ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини яратиш ва жорий қилиш, тупроқ унумлилигини ошириш, намлигини узоқ сақлаш, йилига 1,5÷2,0 мартадан юқори, арзон сифатли ҳосил етиштириш, фермерликни ривожлантириш» (2015-2017), 8/2014 «Бухоро вилояти Қоровул бозор туманидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли йирик шохли қорамол фермасининг органик чиқиндиларида ишлайдиган биологик газ олиш қурилмасининг ишлаб чиқариш-тажриба линияси технологик хужжатларини ишлаб чиқиш» (2014-2015), 10/2015 «Қоровулбозор туманидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли ЙШҚ фермасининг органик чиқиндиларида ишлайдиган биологик газ олиш қурилмасининг ишлаб чиқариш - тажриба линиясини ишга туширилиши муносабати билан авторлик назорати» (2015-2016), № 46/032 «На выполнение пуско-наладочных работ» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги чиқиндиларига поғонали ишлов бериш, биореакторда тутиб туриш вақти мутаносиблигида ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни жараёнга қайтариш технологиясини ва уни амалга оширадиган қурилмани ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анаэроб жараённинг технологик ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи гўнгнинг физик-механик тавсифларини ўрганиш;

гўнгга поғонали ишлов бериш усулини ишлаб чиқиш ва моддалар тенгламаси орқали баҳолашда ёт моддалар оптимал қийматини асослаш;

гўнгни биореакторда тутиб туриш вақти мутаносиблигини инобатга олувчи режимни таъминловчи технологияни ишлаб чиқиш;

ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариш қурилмаси иссиқлик алмашинуви жараёни назарий принципларини ишлаб чиқиш;

гўнгга поғонали ишлов бериш ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариш олиш принципига асосланган биогаз қурилмасининг

сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи параметрлари ҳамда иш режимини асослаш;

қорамол гўнгида ишловчи биореактор технологик жараёнларини назоратлашни ЭХМ да бошқариш дастурини ишлаб чиқиш;

гўнгга поғонали ишлов бериш ва ўғит билан ташлаб юбориладиган иссиқликни қайтариб оладиган биогаз қурилмасини ишлаб чиқариш синовларини ўтказиб, энергетик ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб гўнга поғонали ишлов бериш энергетик қурилмаси, ва унинг иссиқлик алмаштиргичи, қайта ишлашдан олинган ўғит ва биогаздан иборат.

Тадқиқотнинг предмети қорамол гўнгининг кичлари, гўнгга поғонали ишлов беришнинг биогаз қурилмасида қайта ишланган ўғит ва биогазнинг сифат кўрсаткичлари ўзгариши ҳамда бижғиш жараёнига таъсир қилувчи моддаларнинг миқдорий аралашуви жараённинг кечишига ва гўнгни биореакторда тутиб туриш вақти мутаносиблигининг энергетик ва сифат кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари, поғонали ишлов бериш энергетик қурилманинг эксплуатацион ва техник жихатлар ҳисобини умумлаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида биоўғитларни микро-биологик ва агрохимёвий таҳлиллар усуллари, классик механика, математик таҳлил ва математик статистика қоидалари, иссиқлик массаалмасув назариясининг назарий усуллари, тажрибани математик режалаштириш усуллари, Tst 63.03.2001 «Қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш. Машиналарнинг энергетик баҳолаш усуллари», иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда Rh 63.03-98 «Қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш. Синалаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари» каби ҳужжатлардаги усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гўнгни биогаз қурилмасида поғонали ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган;

қорамол гўнгида ишловчи энергетик қурилма технологик жараёнларини назоратлашни ЭХМ да бошқариш дастури ишлаб чиқилган;

гўнг таркибидаги анаэроб жараён учун яроқли органик чиқиндиларни парчаланиш умумий тенгламасида ёт моддалар оптимал миқдорини инобатга олувчи коэффициент ψ аниқланган;

гўнгни биореакторда тутиб туриш мутаносиблигини инобатга олувчи режимни таъминловчи технология ишлаб чиқилган;

энергетик қурилма иссиқлик алмаштиргичи стационар бўлмаган жараён иссиқлик алмашинуви математик модели ишлаб чиқилиб, аналитик боғланишлар асосида қурилманинг рационал параметрлари аниқланган;

қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмасида қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия, ўғит олиш услуги ва уни амалга оширувчи қурилма яратилган;

органик чиқиндилардан ўғит ва энергия олиш технологияси, қурилмаси принципиал схемаси ва конструкцияси яратилган;

гўннга поғонали ишлов бериш қурилмасининг мақбул параметрлари ва иш режимларида узлуксиз ишлаши, энергия ва ресурстежамкорлик ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гўнгни анаэроб жараёнда қайта ишлов беришда биореакторда тутиб туриш вақти оптимал кўрсаткичлари аниқланган;

биоўғитнинг дастлабки гўнг таркибига нисбатан: 10 кун ичида олинадиган биогаз таркибидаги метан 72%, ис гази 27,4 %, биоўғит таркибидаги умумий азот 89,7 мг/л, фосфор 60,5 мг/л, калий 586,5 мг/л, кальций 303,3 мг/л, магний 143,7 мг/л миқдорларини олиш имконини берди;

гўннга поғонали ишлов бериш БГҚ мақбул параметрлари асосида Давлат «Манзилли дастури» асосида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида қарашли фермада БНҚЗ нинг капитал қурилиш бошқармаси томонидан қурилиб ишга туширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқотларни назарий ва деҳқончилик механикаси қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, иссиқлик алмаштиргичли биологик газ олиш қурилмаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гўнг таркибидаги анаэроб жараён учун ёт моддалар оптимал миқдорини инобатга олувчи коэффициент ва ўғит ҳамда энергия сифати, миқдорининг поғонали анаэроб ишлов беришда монотон ўзгариши жараён параметрларига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда биогаз қурилмасини оптимал параметрларини аниқлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган технология ва уни амалга оширадиган поғонали ишлов бериш қурилмаси билан қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия ва ўғит олишда қурилиш материаллари, энергия сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва ўғит олиш жараёнини ўрганиш натижалари асосида:

гўнгни анаэроб қайта ишлаш натижасида энергия ва ўғит олиш, технологик жараёнида ишлов бериш «Биогаз олиш қурилмаси»га Жанубий Корея патенти олинган (№ 10-0892746 02.04.2009 й.). Ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги чиқиндиларига поғонали ишлов бериш биогаз қурилмасининг қўлланиши поғонасиз ишлов бериш анъанавий услубдан фаркли ўлароқ 10 кун ичида олинадиган биогаз таркибидаги метан гази миқдори 72%, ис гази 27,4 %, биоўғит таркибидаги умумий азот 89,7 мг/л,

фосфор 60,5 мг/л, калий 586,5 мг/л, кальций 303,3 мг/л, магний 143,7 мг/л микдорларини олиш имконини берди;

қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия ва ўғит олишда органик чиқиндиларга поғонали ишлов бериш технологияси «Ўзбекнефтмахсулот» акциядорлик компанияси «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасида ишлатилган («Ўзбекнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг 2016 йилнинг 2 декабрдаги 32-32/3810-сонли малумотномаси). Ишланмани жорий қилиш ўғит сифатини 3,2 марта яхшилаш, таркибидаги азот микдори 5 бароборга ортиши имконини берди.

қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия ва ўғит олишда органик чиқиндиларга поғонали ишлов бериш технологияси Жанубий Корея республикасининг «Korea Total Chemical CO., LTD» компанияси томонидан жорий қилинган (2008 йилнинг 31 сентябрдаги «Korea Total Chemical CO., LTD» маълумотномаси). Ишланмаларни жорий қилиш натижасида 21минг АҚШ доллари микдорида иқтисодий самара берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 илмий- амалий конференцияларда, жумладан I биогазчиларнинг I - конгрессида, 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Илмий ишланмалар 2008-2017 йилларда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида кўргазмага олиб чиқилиб, 2017 йилда Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар Агентлигининг «СЕРТИФИКАТ» ига сазовор бўлган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13-си республика ва 2-си хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.



ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва ўғит олишнинг бугунги ҳолати ва муаммо ечимининг асослари**» деб номланган биринчи бобида энергетик қурилмаларда анаэроб ишлов бериш технологиялари ва анаэроб ишлов бериш ресурстежамкор энергетик қурилмалар тахлили, энергетик қурилмаларда ишлатиш учун иссиқлик алмаштиргичлар тахлилари ва муаммонинг қўйилиши келтирилган.


Диссертациянинг “**Гўнгни анаэроб жараёнга жорий этишда физик - механик хоссалари**” деб номланган иккинчи бобида анаэроб ишлов бериш учун гўнг таркиби, физик-механик хоссалари, анаэроб қайта ишлов берилган гўнгнинг ўғит сифатида ишлатишдаги таркибий қисми кўрсаткичлари, анаэроб ишлов беришга қишлоқ хўжалиги чиқиндилари таркибига салбий таъсир этувчилар ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия ва ўғит олиш жараёни жадаллаштириш омилларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Гўнгнинг намлигининг ортиши зичлигининг камайиши унинг таркибидаги қуруқ органик моддаларнинг камайиб боришидан дарак бериши ва бу гўнгнинг слижишдаги зўриқиш чегарасининг $1,3 \div 0,04$ н·с/м² камайишига олиб келиши аниқланди (1-расм). Тахлиллар гўнгнинг намлигининг $86 \div 96$ % ортиши, мос равишда зичлигининг $1034 \div 010$ кг/м³, гўнгнинг слижишдаги зўриқиш чегарасининг $1,3 \div 0,04$ н·с/м² камайишларига олиб келиши, гўнгни биореактор ҳарорат режимига сақлаб туриш учун иситкичдаги иссиқлик ташувчи ҳароратини иситилаётган гўнг ҳароратлари орасидаги фарқ $9 \div 10^0$ С орттирмасликни кўрсатди. Анаэроб жараёндаги биомассага кундалик юкланадиган миқдор аралаштирилмаса ва у поғоналанса ўғит сифати юқори бўлади (расм-2). Биоўғит таркибидаги органик азот, калий, кальций, магний ва фосфорнинг сифат кўрсаткичлари 2 бараваргача ортиши, ҳарорат режимининг 54 ± 2^0 С, кундалик юкланадиган миқдор 10% ли ва олти поғонали ишлов бериш оптимал ҳисобланиб олинадиган биогаз таркиби 72,2% метан (CH₄), ис газини (27,4 % (CO₂)) ва қолдиқ газлардан ҳамда биоўғит таркибидаги макро ва микро-элементлар: умумий азот 89,7 мг/л, фосфор 60,5 мг/л, калий 586,5 мг/л, кальций 303,3 мг/л, магний 143,7 мг/л миқдори таъминланиши аниқланди. Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларининг парчаланишидаги охириги маҳсулот сифатида олинадиган моддалар тенгламасида гўнгнинг анаэроб жараён учун яроқлилик коэффициенти ψ би-лан белгиланиб унинг миқдори умумий ҳолда 0,006 мг/л оширмаслиги то-пилди ва у моддалар тенгламасида қуйидаги кўринишни олиши келтирилган:



1-слижишдаги зўриқиш чегараси;
2-гўнгнинг зичлиги; 3 – қовушоклиги


1-расм. Гўнгнинг айрим физик–механик кўрсаткичларининг нам-лигига боғлиқлиги



1, 2, 3-эгри чизиклар-кундалик юкланадиган микдор 10, 20, 30% мос равишда бўлганда кальций микдори; 4, 5, 6-эгри чизиклар кундалик юкланадиган микдор 10, 20, 30% мос равишда бўлганда калий микдори

2-расм. Кундалик юкланадиган микдорнинг ўзгарувчан фоизларида биоўғит таркибидаги калий ва кальцийнинг ўзаро боғлиқлик графиги

Диссертациянинг «БГҚ иссиқлик алмаштиргичи ишчи ҳажмларида илгарлама-қайтма ҳаракат қилаётган гўнг иссиқлик алмашинуви назарий ва амалий тадқиқотлари» деб номланган учинчи бобида иссиқлик алмаштиргичли поғонали ишловчи БГҚ нинг конструктив тавсифи, иссиқлик алмаштиргичнинг иккала бўлмаларида бир вақтда илгарлама-қайтма ҳаракатда аралаштириш ҳолатида иссиқлик ўтказувчанликнинг математик модели ва унинг адекватлигини текшириш учун лаборатория қурилмаси (3-расм) ясаиб тажрибалар ўтказиш услуби ва дастури ҳамда олинган натижалар таҳлиллари келтирилган.




1-биореактор; 2-биоўғит идиши; 3-тўкиш қувири; 4-аралаштириш елкалари; 5-гўнгга дастлабки ишлов бериш идиши; 6-газ филтр ва ҳисоблагич; 7 - солиш бўғзи; 8-компрессор; 9-гўнгни иккинчи поғона ишлов бериш идиши; 10-ЭХМ дастурида ишловчи бошқарув пульти

3-расм. Лаборатория БГҚ нинг умумий кўриниши

Таклиф этилаётган технологияда энергетик қурилмадаги ҳарорат режими термофилъ ($54 \pm 2^{\circ}C$) бўлиб, ундаги технологик талаблар тўлиқ таъминлангандан сўнг биореактор махсус дастур асосида бошқарилади. Биореактордаги умумий сийракланиш доимий равишда $0,03 \text{ кг/см}^2$ ҳолатда тутиб турилади. Бу услубда биореактордаги биомассага КЮМ аралаштирилмайди ва метан бактерияларнинг биореакторнинг

хар бир нуқтасида адаптациялашган асосацияси ҳосил қилинади. Биомассанинги биореактордаги ҳаракат тезлиги, аралаштиришлар оралиғи ва аралаштиришнинг давомийлиги қайта ишланган биоўғит таркибидаги иссиқлик ҳароратини максимал даражада олиб қолишга ва микробиологик жараёндаги метан гази ҳосил қилиш бактерияларнинг технологик талабларидан келиб чиқилган. Биомассани биореакторда кундалик юкланадиган миқдор жойдаги кундалик ҳосил бўла-диган органик чиқинди ҳажмидан келиб чиқиб танланади. Биореакторларда қайта ишлов берилган гўнгдан ҳосил бўлган ўғит билан чиқарилиб юбо-риладиган иссиқликни қайтариб олиш иссиқлик алмаштиргичида иссиқлик ташувчилар ҳаракати схемаси 4-расмда келтирилган.



4-расм. Илгарлама-қайтма ҳаракат режимида ишлайдиган био-массани пульсацияли юкланишига мўлжалланган иссиқлик алмаштиргичида иссиқлик ташувчилар ҳаракати схемаси

Таклиф этилаётган иссиқлик алмаштиргичдаги иссиқлик алмашунувини топиш ва ундаги оптимал кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида математик модель яратиш талаб этилиб у ўз ичига иссиқлик алмаштиргичдаги илгарлама-қайтма аралаштиришнинг пульсацион ҳаракатларини ҳисобга олиши керак эди.

Юқорида тавсифланган янги турдаги иссиқлик алмаштиргичли органик чиқиндига поғонал ишлов бериш биогаз қурилмасининг конструктив тавсифланишида унинг иссиқлик алмаштиргичидаги иссиқлик алмашинуви стационар бўлмаган илгарлама-қайтма ҳаракат услубида ишлаши иссиқлик алмаштиргичдаги иссиқлик ташувчиларни иссиқлик алмашинуви параметрларини одатий ҳолларда ишлатилаётган энергетик қурилмаларидан кескин фарқ қилганлиги учун таклиф этилаётган математик модель-стационар бўлмаган иссиқлик алмашинуви ҳолат учун назарий баҳолашни талаб эти.

Шу муносабат билан стационар таснифда бўлмаган ҳаракат режимида иссиқлик ташувчили иссиқлик алмаштиргич учун махсус математик модель ишлаб чиқилди. Бунинг учун иссиқлик алмаштиргичдаги стационар ҳолатда бўлмаган жараённинг дастлабки иккита модели ёзилиб кейинчалик уларни бир бирига таққослаш йўли билан амалий жараён учун осон реализация қилинадигани ва кўпроқ мувофиқ келадигани танлаб олинди. Жараённинг биринчи модели элементар бўлмадаги стационар бўлмаган иссиқлик ўтказувчанликни тегишли шартлар билан тавсифлайди.

Бунда элементар бўлмадаги иссиқлик ташувчи асосини фойдали иссиқлик ўтказувчанлик (конвекцияни иссиқлик ўтказувчанликга таъсирини ҳисобга олувчи кўплик миқдордаги $\lambda_{эф}$ коэффициент) бажаради. Жараённинг иккинчи моделида эса биринчи моделга қарамақарши ҳолда иссиқлик ташувчилар иссиқлик алмаштиргич бўлмаларида тўлиқ аралашини ҳолатини тавсифлайди. Қилинган фаразлар ва дастлабки шартларга биноан иссиқлик

алмаштиргич иссиқлик алмашинув элементар бўлмаси учун қуйидаги дифференциал тенгламани шакллантирдик:

$$\left\{ \begin{array}{l} c_1 \rho_1 = \lambda_{\phi 1} \left[\frac{\partial^2 t_1}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial t_1}{\partial r} \right], 0 \leq r \leq R; \\ t_1(0, r) = t_{1\phi} = \text{const}, r \geq R, r > 0, \\ -\lambda_1 \frac{\partial t_1}{\partial r} /_{r=R} = \bar{k}(t_2 - \bar{t}_1(R)), r = R, r > 0, \\ \frac{\partial t_1(\tau, 0)}{\partial r} = 0, r = 0, \tau > 0 \\ t_{2\phi} - \bar{t}_2(\tau) = \bar{t}_1(\tau) - t_{1\phi}, \tau > 0 \end{array} \right. \quad (2)$$

бунда $c_1, \rho_1, a_{\phi}, \lambda_1, R, t_{1\phi}, t_{2\phi}, \bar{k} \text{ const}$; c_1 —биринчи иссиқлик ташувчинининг иссиқлик сифими Дж/(кг·К); ρ_1 —биринчи иссиқлик ташувчинининг зичлиги, кг/м³; a_{ϕ} —биринчи иссиқлик ташувчинининг иссиқлик ўтказувчанлиги, м²/с; λ_1 —биринчи иссиқлик ташувчинининг ҳарорат ўтказувчанлиги, Вт/(м·К); R —элементар кичик бўлма цилиндри радиуси (қувурнинг ички радиуси), м; $t_{1\phi}$ —биринчи иссиқлик ташувчинининг бошланғич ҳарорати, °С; $t_{2\phi}$ —иккинчи иссиқлик ташувчинининг (иссиқ) бошланғич ҳарорати, °С; \bar{k} —иккинчи иссиқлик ташувчинининг девордаги чегаравий иссиқлик қаршилигини (деворнинг ва девор қирларининг қаршилигини) ва иссиқлик ўтказувчанликни ҳисобга олувчи коэффициент

Тенгламалар тизимида қўйилган мақсаднинг математик маъноси ёпиқ тизимда қаттиқ фазали таркибдан маълум моддаларни чиқариб олиш учун Г.А.Аксельруд томонидан қўйилган масалани К.Н.Белоногов ва Г.А.Аксельрудлар ечимини бир - бирларидан хабарсиз ҳолда топган масалага айнан ўхшасада қўрилаётган дастлабги шартлар учун (иккита суяқ турдаги материаллар учун) фарқли ҳолда қуйидаги шаклни олади:

$$\tilde{\theta} = \frac{1}{1 + \beta} - \sum_{n=1}^{\infty} \frac{4}{\mu_n^2 + 4\beta + (2\beta - \mu_n^2 / \tilde{B}_i)^2} l^{-\mu_n^2 n F_0} \quad (2)$$

(2) тенглама биринчи иссиқлик ташувчинининг ўрта ҳажмдаги ҳарорати \bar{t}_1 ни иссиқлик алмаштиргичда $\tau: t = \tau$ (f) вақт ичида бўлган ҳарорат ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Бундай тартибда ҳисоблаш учун фойдали физик иссиқлик коэффициентлар $\lambda_{\phi,1}, \alpha_{\phi,1}, \bar{k}$ нинг қийматларини билиб олиш зарур. Бу коэффициентлар қийматларини қуйидаги иккита услубдаги тажриба йўллари билан олиш мумкин.

Экспоненциаль қатор (2) тенгламани ечишда вақт бирлиги ичида яқинлашувли ҳисобланади. F_0 нинг етарли даражадаги қийматларида (доимий ҳолатда) қаторнинг битта аъзоси билан чегараланса бўлади ва (2) тенгламани ечимини қуйидаги шаклда бериш мумкин

$$\theta^* = A_1 \cdot e^{-\mu_1^2 F_0} \quad (3)$$

бу ерда
$$\theta^* = \frac{1}{1 + \beta} - \theta \quad (4)$$

$$A_1 = \frac{4}{\mu_1^2 + 4\beta + (2\beta - \mu_1^2 / \tilde{B}i)^2} \quad (5)$$


бу (2) тенгламани ечишдаги олд экспоненциал кўпайтириш қатори ҳисобланади; μ_1 - (3) тавсифланган тенглама биринчи мусбат илдизи.

(3) тенгламани логарифмлаб қуйидагини оламиз:

$$\ln \theta^* = \ln A_1 - \mu_1^2 \frac{a}{R^2} \tau \quad (6)$$

(6) формуладан кўриниб турибдики $\ln \theta^*$, вақт τ нисбатан чизиқли боғланишда (5-расм), ордината ўқи билан кесилган бўлак В ва тангенс бурчак эгилган чизиғи – тегишли равишда тенг: $B = \ln A_1$; $\operatorname{tg} \gamma = -\mu_1^2 \frac{\alpha_{\text{эф.1}}}{R^2}$.

Тажрибалар йўли билан топилган қийматларни (7) функцияга қўйиб $\ln A_1$ ва $\operatorname{tg} \gamma$ қийматларини топиш мумкин. Олинган бу қийматлардан сўнг $\lambda_{\text{эф.1}}$, $\alpha_{\text{эф.1}}$ ва \tilde{k} коэффициентларни топиш учун ташқа қашиликлари бўлмаган шароитда тажрибалар ўтказиш, яъни $\tilde{B}i \rightarrow \infty$. Иссиқлик бериш коэффициенти α_2



5-расм. $\ln \theta^*$ нинг τ вақтга нисбатан ўзгариши

юқори бўлишини, тажрибаларда $\lambda_{\text{ф.1}}$, $\alpha_{\text{ф.1}}$ қиматларини топиш вақтида иссиқлик ташувчи сифатида тўйинган сув буғидан фойдаланишда эришиш мумкин. $\tilde{B}i \rightarrow \infty$ шарт учун, юқорида келтирилганлардан $\mu_1^2 = \frac{-\operatorname{tg} \gamma R^2}{\alpha_{\text{эф.1}}}$ ёзиш

мумкин. Демак коэффициент $\alpha_{\text{эф.1}}$ ни $\operatorname{tg} \gamma$ билан ифодалашни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

$$\alpha_{\text{эф.1}} = -\frac{\operatorname{tg} \gamma R^2}{\mu_1^2} \quad (7)$$

$\alpha_{\text{эф.1}}$ билиб олгандан сўнг, дастлабки калориметрик тадқиқотлар ёки маълумотномалардан биомассанинг солиштирма иссиқлик сифими C_1 ва унинг зичлиги ρ_1 ни аниқлаб иссиқлик алмаштиргичдаги биомассанинг иссиқлик ўтказувчалигини $\lambda_{\text{эф.1}}$ топиш мумкин:

$$\lambda_{\text{эф.1}} = \alpha_{\text{эф.1}} C_1 \rho_1 \quad (9)$$

Иссиқлик алмаштиргичда иссиқлик ташувчиларнинг $\tilde{b}_i \rightarrow \infty$ талабини бажарувчи турли кўрсаткичларда (биомасса намлиги, аралаштириш частотаси, аралаштиришлар оралиғи ва бошқ.) биринчи серия тажрибалар натижасида фойдали физик иссиқлик коэффициентлар $\lambda_{\text{эф.1}}$ ва $\alpha_{\text{эф. эф.1}}$ ни аниқлаб олиш мумкин:

$$\alpha_{\text{эф.}} = f_1 (P_1 , P_2 , P_3 , \dots) \quad (10)$$

$$\lambda_{\text{эф.}} = f_2 (P_1 , P_2 , \dots) \quad (11)$$

бу ерда P_1, P_2, P_3, \dots – белгиловчи курсаткичлар.

Иккинчи серия тажрибаларни ўтказишда қувурлар орасига тўйинган сув буғи эмас биореактордан чиқаётган биоўғит берилади. Бундай шароитда $\tilde{b}_i \rightarrow \infty$ талабини бажариш имкони бўлмайди (бу ҳолатда α_2 нинг охириги қиймати маълум). Бу тажрибаларимизни ўтказишдан мақсад иссиқлик бериш коэффициенти $\tilde{\kappa}$ топиш. Шунинг учун олинган тажриба маълумотларига асосан (7) тенгламага мувофиқ яна ярим логарифмик $\ln \Theta^* = f(\tau)$ боғлиқликни курамиз. Бундан $\ln A_1$ (ордината ўқидан кесиб олинган бўлак каби) коэффициентни сўнгра $A_1 = \exp(\ln A_1)$, ҳамда тангенсинг эгилган бурчаги $t_g \gamma = \mu_1^2 \frac{\alpha_{\text{эф.1}}}{R^2}$ ларидан μ_1 ва \tilde{b}_i кўрсаткичларини аниқлаб олиш учун иккита тенгламани оламиз.

Иккинчи тенгламадан μ_1 коэффициентни аниқлаб олиб уни биринчи тенгламага қуйиб \tilde{b}_i аниқлаб оламиз, бундан эса иссиқлик бериш коэффициенти $\tilde{\kappa}$ топиб олиш қийинчилик туғдирмайди.

$$\tilde{\kappa} = \frac{\tilde{b}_i \times \lambda_{\text{эф.1}}}{R} \quad (12)$$

$\tilde{\kappa}$ ни қийматини билиб олгандан сўнг α_2 қийматини топамиз

$$\alpha_2 = 1 / (1 / \tilde{\kappa} - \sigma_{\text{ст}} / \lambda_{\text{ст}} - \sigma_3 / \lambda_{3 \tau}) \quad (13)$$

Иккинчи тажрибалар сериясида P_1, P_2, P_3, \dots ларнинг турли кўрсаткичларда функционал боғлиқликни топиш имкони бор

$$\alpha_2 = f_3 (P_1, P_2, P_3, \dots), \quad (14)$$

ёки критериял кўрсаткичда

$$\text{Nu}_2 = \frac{\alpha_2 \times d_n}{\lambda_2} = f(P_1, P_2, \dots), \quad (15)$$

бу ерда Nu_2 – Нуссельт сони; d_n – қувур диаметри, м; α_2 – биомассанинг иссиқлик ўтказувчанлиги, Вт/(м²×К); P_1, P_2, P_3 – аниқловчи P_1, P_2, P_3, \dots га ўхшашлик (подобия) критерияси.

Шундай қилиб тажрибаларнинг иккита сериясидан $\lambda_{\text{эф.1}}$, $\alpha_{\text{эф.1}}$ и $\tilde{\kappa}$ коэффициентлар учун (10), (11) ва (15) ўзаро боғлиқликларни олиш мумкин ва бунинг натижасида (2) тенглама ёки регуляр режимда (4) – билан иссиқлик

ташувчиларни ҳарорат напорини $\bar{t}_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)$ релаксациясини таъминлаш учун иссиқлик алмаштиргичда бўлиш вақтини топиб олиш мумкин.

Иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик баланси тенгламасида иссиқлик тенглигида (равновесиясида) қуйидагига эга бўламиз

$$t_1|_{\tau \rightarrow \infty} = \bar{t}_2|_{\tau \rightarrow \infty} = \frac{t_{1.H} + t_{2.H}}{2} \quad (16)$$

Дастлабки кўрсаткичларни аниқлаб олиб (3.2) ёки (3.4) тенгламалардан ўлчамсиз вақт F_0 топиб оламиз. Мисол учун (4) тенгламадан қуйидагига эга бўламиз

$$F_0 = \frac{1}{\mu_1^2} \ln \frac{A_1}{\theta^*} \quad (17)$$

ёки

$$\tau = \frac{R^2}{a_{\phi.1} \times \mu_1^2} \ln \frac{A_1}{\theta^*} \quad (18)$$

(18) тенглама билан иссиқлик алмаштиргичдаги иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик релаксацияси вақтини топиш учун μ_1^2 кўрсаткичларини (параметрлари) ҳисоби (3) тенгламада худди биринчи мусбат илдиз каби жойлашган. Функция (3) табица шаклида адабиётларда берилган шунинг учун μ_1^2 нинг ўлчамларини \tilde{v}_i катталигига мувофиқ топиш қийинчилик туғдирмайди.

Биринчи математик моделдан иккинчи математик моделни ишлаб чиқишдаги фарқи шунда бўлдики бунда иссиқлик алмаштиргич ишчи ҳажмидаги иссиқлик ташувчилар ҳажм бўйича тўлиқ (идеал) аралашган ҳолатда. Иссиқлик ташувчиларнинг ҳажмда тўлиқ аралаштирилган қурилмалар учун кинематик тенглама қуйидагича ёзилади:

$$\frac{d \bar{t}_1(\tau)}{d \tau} = K^* (\bar{t}_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)) \quad (19)$$

бу ерда: K^* - иссиқлик узатувчанликнинг ўзгача шакл берилган коэффициентни, $1/с$.

K коэффициентни тенглаштириш учун иссиқлик узатувчанлик тенламасини даврий ишловчи қурилма учун кўриб чиқамиз:

$$dQ = K [\bar{t}_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)] \times F \times d\tau \quad (20)$$

бу ерда: $dQ - d\tau$ вақт бирлиги ичида иссиқлик алмашинувчи юза орқали совуқ иссиқлик ташувчига бериладиган иссиқлик миқдори, Дж; F - қаралаётган қурилмадаги иссиқлик алмашинувчи юза, $м^2$.

(20) тенгламадан қуйидагини оламиз:

$$dQ/d\tau = K [\bar{t}_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)] \times F, \quad (21)$$

бошқа томондан $d\theta/d\tau$ қуйидагича ёзиш мумкин

$$dQ/d\tau = G_1 \times C_1 \times \frac{d\bar{t}_1(\tau)}{d\tau} \quad (22)$$

бу ерда: C_1 - совуқ иссиқлик ташувчининг исситиш учун зарур бўлган солиштирма иссиқлик миқдори, Дж/(кг К).

(21) ва (22) ларни тенглаштириб қуйидагини топамиз:

$$G_1 \times C_1 \times \frac{d\bar{t}_1(\tau)}{d\tau} = K [t_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)] \times F, \quad (23)$$

ёки

$$\frac{d\bar{t}_1(\tau)}{d\tau} = \frac{K \times F}{G_1 \times C_1} [t_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)] = K^* [t_2(\tau) - \bar{t}_1(\tau)] \quad (24)$$

Биобарин:

$$K^* = \frac{K \times F}{G_1 \times C_1} \quad (25)$$

(24) тенглама модификацияланган иссиқлик узатиш тенграмаси ҳисобланади, K^* -ўзгача шакл берилган иссиқлик узатиш коэффиценти ҳисобланади. Иссиқлик баланси тенграмасидан фойдаланиб қуйидаги шаклга олиб келамиз

$$\bar{t}_2(\tau) = t_{2н} + t_{1н} - \bar{t}_1(\tau) \quad (26)$$

(26) ни (19) қўйиб

$$\frac{d\bar{t}_1(\tau)}{d\tau} = K^* \times [t_{2н} - t_{1н} - 2\bar{t}_1(\tau)] \quad (27)$$

Ўзгарувчиларни (27) тақсимлаб, интеграллаганимиздан сўнг қуйидагини оламиз

$$\tau = - \frac{1}{2K^*} \ln(t_{2.б} + t_{1.б} - 2\bar{t}_1(\tau)) \Big|_{t_{1.б}}^{\bar{t}_1(\tau)} = \frac{1}{2K^*} \ln \frac{t_{2.б} - t_{1.б}}{t_{2.б} - t_{1.б}} = \frac{1}{2K^*} \ln \frac{1}{\theta} \quad (28)$$

Шундай экан бунда $\tau = \frac{1}{2K^*} \ln \frac{1}{\theta} \rightarrow \infty$, ёки маълум ўзгаришлардан сўнг


$$K^* = - \frac{tg \gamma_1}{2} \quad (29)$$

олиш мумкин.

(28) тенграмани амалий ҳисобларда ишлатиш мумкин бўлади ва иккинчи моделни амалиётда қўллаш осон ва уни адекватлиги текшириб қўриш қийинчилик туғдирмайди.


Математик моделни адекватлигини текшириш мақсадида лаборатория қурилмаси тайёрланди. Лаборатория қурилмасида олинган натижалар (6-

расм) математик моделнинг $-\ln\theta = f(\tau)$ шаклидаги боғлиқлик кўринишида берилганда $-\ln\theta$ унинг координаталар бошидан ўтиши ва у тўғри чизикли таснифда кўриниши унинг (28)-функциянинг таснифига тўғри келишини кўрсатади. Бу эса олинган тажрибалар натижаси (28) – тенглама билан жуда яқинлигини кўрсатади. Шу сабабли таклиф этилган математик моделни кўрилатган пульсация режимида ишлатилаётган иссиқлик алмаштиргичдаги биоўғит билан ташлаб юборилаётган иссиқлик қайтариб олишдаги иссиқлик алмашинув жараёни аниқлашда фойдаланиш мумкин. Тажрибаларда олинган ва (28) – тенгламада ҳисобланган натижаларни таққослаш график шакли 7-расмда келтирилган.



1- $A = 170\text{мм}$, $n = 18\text{с}^{-1}$; 2- $A = 280\text{мм}$,
